



Хабарлар

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqqa boshlagan

2003 yil, 3 yanvar № 1 (538)

Sotuvda narxi erkin



ТУМАНЛАРГА ЯНГИ ЙИЛ ТУХФАСИ

Шўрчи ва Олтинсой туманларининг автомат телефон станциялари Денов шаҳридаги рақамли телефон станцияси ҳалқасига уланди. Натижада ҳар иккала туман аҳолисига жаҳон андозаларига мос телефон хизмати кўрсатиш имконияти

яратилди. Улар энди дунёнинг исталган нуқтаси билан боғлана олишди.

Йулга қўйилган бу қулайликни миқозлар Янги йил туҳфаси сифатида қабул қилишди.

Н.ЗИЁЕВ,
Сурхондарё вилояти

РАҚАМЛИ АТС ИШГА ТУШДИ

Сирдарё вилоятининг Гулистон, Янгиер, Сирдарё, Бахт ва Ширин шаҳарларида 1996 йилнинг август ойида Жанубий Кореянинг "ДЭУ Телеком" фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган ТДХ-2000 русумдаги 40 минг рақамли замонавий электрон телефон станцияси ишга туширилган эди. Янги йил арафасида вилоятнинг Мирзаобод тумани маркази "Наврўз" кўрғонида ҳам 1024 нафар миқоз учун хизмат кўрсатишга мўлжалланган ана шундай электрон телефон станцияси фойдаланишга топширилди. Янги станция учун "ТАЕ ВОЛС" магистрал алоқа линиясидан "Наврўз" кўрғонигача бўлган 2 км. масофага оптик толали кабел ётқизилди.

Ушбу замонавий станцияни монтаж қилиш ва ишга ту-

ширишда Мирзаобод туман телекоммуникация боғламаси муҳандис-техник ходимларидан М.Бўронов, Я.Сепислямов ва Ю.Туроповлар муносиб ҳисса қўшдилар. Қисқа вақт ичида 700 миқознинг эски телефон рақамлари янги станцияга ўтказилди.

2003 йилнинг 1-чорагида ички молиявий ресурслардан фойдаланиш ҳисобига ҳамда туман ҳокимлиги ҳомийлигида вилоятнинг Боёвут тумани маркази Боёвут кўрғонида 1000 рақамли ва Мехнатобод тумани маркази Қахрамон кўрғонида 500 рақамли ТДХ-2000 русумли янги замонавий электрон-рақамли телефон станцияларини ишга тушириш режалаштирилган.

У.РАЖАБАЛИЕВ,
"Сирдарё Телеком"
филиали етакчи муҳандиси

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Агентлик Бош директори А.АРИПОВ бошқарди. Унда қатор масалалар кўриб чиқилди.

"Агентликда "Қарияларни қадрлаш йили" Дастури бажарилишининг якунлари тўғрисида" Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари М.Маҳмудов маърузаси тингланди. Маърузада ушбу дастурни бажариш мақсадида агентлик тизимдаги акциядорлик компаниялари, корхона, ташкилот ва муассасалар билан Ўзбекистон алоқа ходимлари касабаси алоқа уюшмаси марказий қўмитаси ҳамкорлигида қатор тадбирлар амалга оширилгани, алоқа тизимдаги кесак алоқа ходимларига ҳар томонлама моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилгани, соҳада меҳнат қилаётган 50 ва ундан юқори ёшдаги аёл ва эркеклар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилгани, уларнинг баъзилари Мустақилликнинг 11 йиллиги муносабати билан Ватанимизнинг юксак муқофотларига сазовор бўлгани айтиб ўтилди. Шу билан бирга айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги тилга олин-

ди. Шундан сўнг юқоридagi масала юзасидан Ўзбекистон алоқа ходимлари касабаси алоқа уюшмаси марказий қўмитаси раиси Т.Назаржонов, "Ўзбектелеком" АК бош директори Ҳ.Муҳитдиновлар сўзга чиқди.

"2003-2005 йиллар учун Тармоқ келишуви лойиҳаси ҳақида"ги маърузасида Ўзбекистон алоқа ходимлари касабаси алоқа уюшмаси марказий қўмитаси раиси Т.Назаржонов Агентлик ва касабаси алоқа уюшмаси марказий қўмитаси билан биргаликда 2003-2005 йилларга мўлжалланган Тармоқ келишуви лойиҳаси тайёрланганини, лойиҳани Агентлик ва марказий қўмитанинг икки томонлама ишчи комиссияси кўриб чиққанини таъкидлади.

"Агентликнинг 2000 йил, 5 апрелдаги 139-сонли буйруғи билан тасдиқланган "2003 йилгача почта ва телекоммуникация соҳасидаги маркетинг дастури"нинг бажарилиши ҳақида" "Ўзбектелеком" АК бош директори Ҳ.Муҳитдинов маъруза қилди. Маърузачи ушбу дастурда белгиланган тадбирларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида

ҲАЙЪАТДА

ҳозирги кунда компания филиаллари ва корхоналарида маркетинг бўлиналари очилди ва уларни малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича тадбирлар ўтказилгани, мутахассислар малакасини ошириш учун компания томонидан ўқув курслари ҳамда семинарлар уюштириб келинаётгани ва бошқа амалга оширилган ишлар хусусида батафсил маълумот берди.

"Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директори Р.Зиқиров "Почта алоқаси корхоналарида пул маблағларининг тўла сақланишини таъминлаш тўғрисида"ги маърузасида пенсионерларга пенсияни ўз вақтида етказиб бериш ва пул маблағлари сақланишини таъминлаш бўйича қатор ишлар бажарилишига қарамай, акциядорлик жамиятларида пенсия тўловларини амалга оширишда белгиланган меъририй ҳужжатлар талабларининг тўла бажарилиши таъминланмаётганлиги, назорат ишлари тўлиқ олиб борилмаётганлиги сабабли пул маблағларини ўзлаштириш ҳолатларига йўл қўйилганлигини қайд қилди.

Ҳайъатда қўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

И.ОМОНОВ

БЕРУНИЙ СТИПЕНДИЯСИ СОВРИНДОРЛАРИ

Тошкент ахборот технологиялари университетиде иқтидорли талабаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Уларга мутахассислик кафедралари етакчи профессор-ўқитувчилари илмий раҳбар этиб тайинланган ва қўшимча инглиз тили, информатика фанларидан дарс берилмоқда. Талабалар ҳам ўз навбатида университет ва республикада ўтказилаётган анжуманларда замонавий телекоммуникация ва ахборот технологияларининг ривожланиши ҳақида илмий мақолалари билан фаол қатнашиб келмоқдалар.

Яқинда ушбу иқтидорли талабаларнинг илм-соҳасидаги олиб бораётган ишлари муносиб тақдирланди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2002 йил, 29 ноябрдаги 347-сонли буйруғига асосан университетнинг Радиоалоқа, радиошўрттириш ва телевидение факультетининг ТР-42 гуруҳ талабаси Г.Халимова ва П-42 гуруҳ талабаси З.Халимовлар Беруний номидаги Давлат стипендияси совриндорлари бўлишди. Бу талабаларга ўқитиш магистратурада давом эттириш имкониятини беради.

Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Университетнинг РРТ факультети декан муовини

ЙИГИЛИШ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича Давлат комиссиясининг ўтган йил иш якунлари ва 2003 йилги режаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.АРИПОВ олиб борди.

Ўтган вақт мобайнида радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси ишчи гуруҳи ҳамда радиочастоталар органлари томонидан ускуналарни олиб келиш, жорий этиш ва бошқа масалаларга доир 300 дан ортиқ буюртмалар кўриб чиқилган.

Йиғилишда ишчи гуруҳининг 2002 йил давомида тайёрлаган бир қатор меъририй ҳужжатлари ҳамда радиочастоталар спектрдан фойдаланиш

самарадорлигини ошириш ва радиоэлектрон воситаларнинг электромагнит мослашувини таъминлаш бўйича қатор меъририй ҳужжатлар тасдиқланди. Шунингдек, 2003 йил, 9 июндан 4 июлгача Женевада бўлиб ўтadиган навбатдаги Бутунжаҳон радиоалоқа конференциясида тайёргарлик кўриш борасидаги Ўзбекистон алоқа маъмуриятининг олиб бораётган ишлари маъқулланди.

Ўз мухбиримиз

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҚУВОНЧИ

"Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси жамоасининг фарзандлари янги йилни билар олам қувонч ва таассурот билан кутиб олдилар. Улар учун компания раҳбарияти ва касабаси алоқа уюшмаси қўмитаси томонидан пойтахтимизнинг "Зарафшон" концерт зали ва "Оловуддин" театрида бўлиб ўтган байрам томошаларига чипта олиб берилди.

Байрамда болажонлар Қорбобо ва Қоркиз билан биргаликда арча атрофида ўйнадилар, рақсга тушиб, шеърлар айтдилар. Айниқса, эртақ қахрамонлари асосида яратилган театрлашган томоша болаларни жуда қувонтирди.

Корхона ходимлари компания ва касабаси алоқа уюшмаси қўмитаси раҳбариятига ушбу эътибор учун ўз миннатдорчиликларини билдирди.

О.МУЗАФФАРОВА




“Камалак - ТВ” Ўзбек-Америка эфир-кабел телевидение-си 1992 йилнинг ёзда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг радио ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси ва АҚШнинг “Интернейшнл Телселл, Инк” компанияси ҳамкорлигида ташкил қилинган. Мана ўн йилдирки, қўшма корхона ўзининг кўп миң сонли мижозларига қувонч улашиб келмоқда.

налар сотилмоқда, уланмоқда ва бошқа хизмат турлари кўрсатилмоқда. Бу соғлом рақобатни вужудга келтириб, миқоз учун кенг танлов имкониятини яратди. Ҳар ким ўзи хоҳлаган хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Шулардан келиб чиқиб, корхона ўз ишини янада кучайтирди. Жумладан, иншоотлар, кабел тармоқлари, антенна қурилмаларини асрашга катта эътибор қаратилади. Уларнинг ҳам-

Дастлаб ишни ташкил қилиш осон кечмади. Чунки ўшанда ки-чик студия ва кабел телевидение-си тармоғи бошбошдоқлик билан

“Камалак -ТВ”нинг хизмат ҳақи би-роз қиммат ҳисобланади. Сабаби – корхонанинг рентабеллик даражаси

кўпайиб, уйлари-нинг томлари ва пештоқларида қўлбола сунъий йўлдош телевизион антенналари пайдо бўла бош-лаган, умуман телевизион хизмат бозори тез ривожла-ниб бораётган эди. Шундай пайтда аҳоли ва ташкилотлар-га телекоммуникация хизма-ти кўрсатишни мақсад қилиб қўйган “Камалак-ТВ” қўшма корхонаси сифат ва сервисга катта эътибор берди. Бу айни истеъмол хизмати бозорига олиб чиқадиган воситалар эди. Иш телевидениедан бошланди. Хори-жий шериклар томонидан эфир-кабел телевидение-си учун замона-вий техникалар, ус-куна ва технологи-ялар етказиб берил-ди. Республика



Алоқа вазирлиги ҳамда Радио ва телевидение иш-лаб чиқариш бирлашмаси зарур хоналар-

10-15 фоизга тенг. Тармоқни ривож-лантириш, янги ускуналар харид қилиш, яроқсиз ҳолга келганларини алмаштириш учун катта миқдорда

маси корхонанинг мураккаб ва қим-матбаҳо мулки ҳисобланади. Дахл-сизлик масаласига айнан қонун нуқтаи назаридан ёндошиш, ҳимоя қилиш ва яроқли ҳолда бўлиши учун чоралар кўриш керак. Бу борада милиция, с у д органла-ри бил-дан ҳам-корлик

“КАМАЛАК - ТВ”
— дунё кўрсатувлари

ХОНАДОНИНГИЗДА



ни акратиш, телеинвентарга юксак ан-тенна ва узатишларини жойлашти-риш масалаларини ҳал этиб, бошқа кўплаб ташкилий ишларни бажа-ришга ёрдам берди. Шундай қилиб, 1993 йили дастлабки саккиз канал орқали эфир намоиши ҳамда абон-ентларни “Камалак -ТВ” тармоғи-га улаш бошланди. Бунга биринчи бўлиб Тошкент шаҳридаги йирик меҳмонхоналар, элчихона ва чет эл ваколатхоналари рағбат беришди. Уларнинг сафи кун сайин кенгайиб борди. Секин-аста якка тартибдаги тармоқни маълум қўлдан телемо-шабиллар ҳам табақалаштирилган тартибда жамoa бўлиб улашни за-рурлигини тушуна бордилар. Ҳозир-да мижозларнинг кўпчилиги айнан жамoa бўлиб тармоққа улашни усу-лидан фойдаланишмоқда.

ҳаражат қилишга тўғри келади. Ус-куналарнинг асосий қисми очиқ ҳавода жойлашганлиги боис уларга ёгингарчилик, совуқ ва иссиқ ҳаво у ёки бу даражада ўз таъсири-ни кўрсатади. Бироқ шунга яраша сер-вис хизмати ҳам яхши йўлга қўйил-ган. Тармоқдаги носозликлар Бево-сита абонентларнинг буюртмаси ёки 0-65 телефон рақами орқали зулмик билан бартараф этилади. Бунинг учун махсус тезкор гуруҳ тuzилган.

“Камалак-ТВ” тармоғига улашни учун мижоздан кўп нарса талаб қилинмайди. Абонентнинг аризаси бўлса, унинг уйи ва телеинвентар ора-сидagi масофа 70 кмдан ошмаса бас. Ҳозирча тармоққа якка тартибда ула-ниш учун ускуналар тақчил бўлиб турибди. Ускуналарнинг ҳаммаси хо-риждан валютага келтирилади. Та-рифлар ўсиб боришининг асосий са-бабларидан бири ҳам шу. Шундай бўлса-да юксак сифат билан хизмат кўрсатиш сўзсиз таъминланмоқда.

Тармоқда муҳир муҳаммас ва тех-никлар, малакали худимлар хизмат қилишади. Уларнинг дзарли барча-си пойтахтимидаги ўқув муассаса-ларини битиришган. Ўқув машгу-лотлари, техник маҳоратни ошириш бўйича турли таъбирлар мунтазам ўтказиб турилади. Маркетинг хиз-мати ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, истеъмол талаби ўрганилиб, таҳлил қилиб борилади.

“Камалак -ТВ” қўшма корхонаси Ўзбекистонда телерадио дастурлари-ни тарқатиш тармоғини барпо этиш ва фойдаланиш юзасидан лицензия ва лицензиявий битимига қатъий амал қилиб келмоқда. Майда кабел тармоқларини эса “Ўзбекистон ка-бел телевидение-си” акциядорлик жа-мияти ўзида бирлаштириб, рўйхатга олди. Шунингдек, пароболтик антен-

ни акратиш, телеинвентарга юксак ан-тенна ва узатишларини жойлашти-риш масалаларини ҳал этиб, бошқа кўплаб ташкилий ишларни бажа-ришга ёрдам берди. Шундай қилиб, 1993 йили дастлабки саккиз канал орқали эфир намоиши ҳамда абон-ентларни “Камалак -ТВ” тармоғи-га улаш бошланди. Бунга биринчи бўлиб Тошкент шаҳридаги йирик меҳмонхоналар, элчихона ва чет эл ваколатхоналари рағбат беришди. Уларнинг сафи кун сайин кенгайиб борди. Секин-аста якка тартибдаги тармоқни маълум қўлдан телемо-шабиллар ҳам табақалаштирилган тартибда жамoa бўлиб улашни за-рурлигини тушуна бордилар. Ҳозир-да мижозларнинг кўпчилиги айнан жамoa бўлиб тармоққа улашни усу-лидан фойдаланишмоқда.

“Камалак -ТВ” бугунги кунда жисмоний шахслар, корхона ва му-ассасалар, хорик ваколатхоналари ва меҳмонхона мажмуаларидан иборат 27 миң абонентга 24 та каналда 25 дан ортиқ сунъий йўлдошлар орқали телевизион дастурларни кечаю кундуз намоиш этимоқда. Кўрсат-увлар инглиз, рус, француз, не-мис, корейс ва бошқа тилларда олиб борилади. Каналлар турлича гуруҳ-лаштирилган бўлиб, янгиликлар, илмий-оммабоп, муенча, спорт, ба-дний фильмлар ва бошқа кўрсатув ҳамда телестурлар телемошабил-ларга тақдим этилади. Мижозларга қулай бўлиши учун Ўзбекистон те-левидение-си дастурларини ҳам шу мажмуага киритилган.

Юқорида мижозларнинг жамoa бўлиб улашни усулидан кўпроқ фойдаланаётганидигини таъкидлаб ўлик. Бу бежиз эмас. Жамoa бўлиб улашни якка тартибдаги нисба-тан анча арзон. Умуман олганда

Суратлар муаллифи Т.ЛУТФУЛЛАЕВ



“DEUTSCHE TELEKOM”
АКЦИЯЛАРИНИ СОТАДИ

Германиянинг “Deutsche Telekom” телекоммуникация компанияси ўзининг 10,9 фоиз акцияларини сотишга қарор қилди. Бу борада Италиянинг De Agostini нашриёт гуруҳи-нинг Eutelsat сунъий йўлдош компанияси ўзининг 10,9 фоиз акцияларини сотишга қарор қилди. Бу борада Италиянинг

МИЖОЗЛАР СОНИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Ўтган йилнинг учинчи чо-раги давомида DSL рақамли алоқа тизими хизматидан фойдаланувчилар сони бутун жаҳон бўйлаб 5 млн. кишига ортган. Бу иккинчи чоракка нисбатан 20 фоиз юқори кўрсаткичдир.

200 МИЛЛИОНГА ЕТДИ

монидан тақдим этилган сўнги статистик маълумотга кўра мамлакатда уяли теле-фон алоқаси абонентлари-нинг умумий сони 200,33 мил-лионни ташкил қилади.



Хитой Халқ Республикаси Информатика вазирлиги то-

e – mail ВИРУСЛАРИ
СОНИ ИККИ БАРАВАРГА ОРТДИ

MessageLabs компанияси-нинг маълум қилишича, ўтган йил давомида икки миллиард электрон хатлардан 9,3 мил-лион вирус ушлаб қолинган. Бу ҳар 215 та e – mail мак-

ЯПОНИЯНИК ИСТЕЪМОЛЧИЛАР
КОНИКМАЯПТИ

Фотокамера ўрнатилган мобил телефон аппаратлари ўзининг айнан шу жиҳати билан барчанинг диққатини тортган эди. Бироқ мазкур телефон аппарати фотокаме-расининг суратта олиш си-

655 МИЛЛИОНЛИК МИЖОЗ

2002 йил охирига келиб Хитойда Интернет тизимидан фойдаланувчилар сони 58 мил-лион кишини ташкил этди, дея хабар беради “Новости” ахборот агентлиги. Хитой Ахборот-интернет марказининг хабар қилишича, ХХР шундай қилиб Интернет тармоғидан фойда-ланиш бўйича АҚШдан кейин-ги иккинчи ўринга чиқиб олди. Ўтган йил давомида Хитой-да Интернетдан фойдаланув-

ИНТЕРНЕТГА УЛАНГАН
СОВУТКИЧ

Япония компанияларининг бирида ишлаб чиқарилган янги нусхадаги бу совуткич компю-тер билан жиҳозланган бўлиб, Интернетга улашни имконияти мавжуд. Унинг қулайлиги шун-даки, ишхонада туриб ҳам со-вуткичда нималар борлиги ва қандай махсулотларни харид қилиш лозимлигини аниқлаш мумкин. Бундай совуткичда сақ-ланаётган махсулотларни ичка-рида ўрнатилган телекамера орқали кўриш мумкин бўлади.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

